

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

*Ilm-kelajagimiz ravnaqidir*

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЕ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION

*Ilmiy maqolalar jurnali*

N-1 2020

Таъсисчилар;  
**Сурхондарё фан ва технологияларни  
ривожлантириш маркази.**  
**Термиз Давлат университети**

*Ҳар чоракда 1 марта чиқади.*

**Jurnal 25-05-2020 yil. №-11-079 raqami  
bilan ro'yxatga olingan.**

Ommaviy axborot vositasi davlat  
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'grisida  
**GUVONNOMA N-11-079.**

**My.gov.uz.** Yagona interaktiv.  
davlat xizmatlari portali.  
N 8102-325e-cd96—f50a-53b3-3119-7970

**Hujjat yaratilgan sana:** 2020-05-25.

**Ariza raqami:** 19051279.

**НАШР ИНДЕКСИ 190-111.**

ЖУРНАЛ  
«ADAD PLYUS» МЧЖ матбаа  
бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси 28-уй.

Босишга рухсат этилди: 02.06.2020.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>.  
Босма табоғи 14.5.  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади 100.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма № 13.

**Таъхирият манзили:**  
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри  
“Баркамол авлод” кўчаси 43 уй.  
tursunovsafullo12@mail.ru  
**Тел:** 876 22 3 07 66.  
+99 891 577 90 50,  
+99 894 200 49 55.

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

*Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич  
Тарих фанлари доктори, профессор  
Термиз давлат университети*

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

*Қобулов Эшболта Атамуродович  
тарих фанлари доктори  
Термиз давлат университети*

**Журналнинг илмий котиби:**  
*Пардаев Тошкенбой Ражабович  
тарих фанлари номзоди  
Термиз давлат университети*

**ТАЪХИР ЖАМОАТЧИЛИК  
ҲАЙЪАТИ: КЕНГАШИ:**

*Тошқулов Абдуқодир Раҳмонов Чори  
Ашуров Адҳам, Тўраев Баҳодир,  
Сатторов Абдусамат, Бўриев Ҳасан,  
Аллаков Исмоил, Мирсобиров Мирахмат,  
Бакиров Поён, Алланов Қилич,  
Тўраев Ҳайит, Тилекулов Гауҳар,  
Тўраев Эргаи, Ҳайитов Шодмон,  
Норбошева Меҳри, Алиқулов Рустам,  
Хуррамов Алишер, Ёдгоров Эшмўмин,  
Саидов Илхом, Мирзаев Ибодулло,  
Саидов Бахтиёр, Панжиев Нормамат,  
Хасанов Абрай, Жабборова Шоира,  
Ғоффоров Шокир, Чориев Иргаи,  
Муртозаев Бобоназар, Эшов Баҳодир,  
Авазов Эргаи, Ҳотамов Очилди,  
Худойқулов Абдулла, Тўхтаев Абдуғани,  
Қодирова Дилбар, Холиқов Зокир,  
Эрдонов Муҳаммади, Умиркулов Бекпўлат,  
Раҳмонов Абдумалик. Зокиров Холмат.*

# ЗАМОНАВИЙ АГРАР ТИЗИМНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ ТАРИХИДАН

*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси Ботирова Ҳалима Эшмаматовна.*

## **Аннотация.**

*Жанубий ҳудудларда аграр соҳани ривожланиш омиллари, унинг моддий-маънавий асослари, аграр секторнинг мутахассислар билан таъминлаш ҳолати, ушбу соҳада олиб борилган ишларнинг ижобий самараси баён этилган.*

*Калит сўзлар: иқтисодий, стратегия, техника, хусусий, шахсий, заҳира, аграр, сектор, сохта, режалаш, жамоат, фермер*

## **Аннотация.**

*Описаны факторы развития аграрного сектора в южных регионах, его финансовая и моральная база, условия обеспечения специалистов аграрного сектора, положительные результаты работы в этой области.*

*Ключевые слова: экономика, стратегия, технология, частный, личный, ресурс, аграрный, сектор, ложный, планирование, общественный, фермер*

## **Annotation.**

*The factors of the development of the agricultural sector in the southern regions, its financial and moral base, the conditions for providing specialists of the agricultural sector, the positive results of work in this area are described.*

*Keywords: economy, strategy, technology, private, personal, resource, agricultural, sector, false, planning, public, farmer*

Мамлакатимиз ривожда янгича ривожланиш палласини бошлаб берган Ҳаракатлар стратегияси қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар ясади. Чунки, ишлаб чиқаришни бир тизимга солиб, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиб, давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, соҳада техника таъминоти борасида мавжуд бўлган муаммоларга чек қўйиш бугунги кундаги масаладир. Ҳаракатлар стратегияси асосида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган катта ишлардан бири мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳаққоний муносабатни шакллантириш бўлди. Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни аҳамияти ниҳоят даражада юксак эканлиги Ҳаракатлар стратегияси алоҳида ҳисобга олган; жумладан, ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта заҳиралар мавжуд, уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бугунги иқтисодий ўзга-

ришларнинг самараси иқтисодий ривож ва халқ фаровонлигининг ошиши кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнларининг аграр секторни қамраб олишига, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам собиқ совет ҳукумати даврида иқтисодиётда бир томонлама сиёсат олиб бориш натижасида қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг асосий тармоғига айланган эди. Бироқ бунда эътибор республиканинг хом ашё базасига айлантиришга қаратилган эди.

Ўзбекистон ҳозирги даврда жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан ҳамкорлик асосида замонавий жиҳатдан тўла талабларга жавоб бера оладиган қишлоқ хўжалик мамлакатига айланмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси асосида қишлоқ хўжалигидаги мавжуд камчиликларни, тўсиқларни бартараф этиш, замонавий техника таъминотига эга кенг тармоқли қишлоқ хўжалик тизимини шакллантириш, қадимий деҳқончилик анъаналарга содиқ ҳолда деҳқончилик маданиятини юксалтириш асосий омил қилиб олинди. Жаҳоннинг еткази давлатлари тажрибаси асосида деҳқоннинг ерга бўлган муносабатини тубдан ижобий томонга ўзгартириш, сохта рақамлардан воз кечиш, анъанавий деҳқончилик навларини тиклаш, полиз, сабзоватчилик, мева-боғдорчиликни тараққий этган давлатлар қаторига етказиш, давлат сиёсатига айланди. Энг муҳими бугун жамиятимиз шунинг англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш тарзини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш-хуллас, қандай муаммо қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Халқимизни боқадиган озуқа берадиган соҳа қишлоқ хўжалиги тармоғидир. Бироқ бу соҳада ҳанузгача анчагина муаммолар йиғилиб қолган эди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев бу муаммоларни ечиш йўллари ҳақида тўхталиб, Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти устидан жамоат назоратини ўрната олмас эканмиз юқорида тилга олинган иллатлар олға юришимизга халақит бераверади деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон тажрибаси шунинг кўрсатадики тармоқ ишлаб чиқаришининг барқарорлиги, юқори унумдорлиги, ишлаб чиқариш кучларининг комплекс ривожланиши, илмий техника тараққиёти, моддий техника базасининг кучлилиги ва кадрлар учун шарт-шароит яратилганлиги билан бевосита мутаносиблигини кўрсатади.

Буни жаҳон фермерлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, АҚШда бир фермерга ўртача 150 гектар экин майдони тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада 190, Буюк Британияда 70, Францияда 35, Ирландия ва Люксембургда 33, Данияда 32, Олмонияда 18, Голландияда 17, Италияда 8 гектарга тенгдир. Лекин ер, техника-фан ютуқларидан унумли фойдаланилгандагина натижалар юқори бўлиши мумкинлигини улар амалда исботлашди. Умуман қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий кўрсаткичлар техникадан оқилона фойдаланишга ва унинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг йўлига тўсиқ бўлаётган уни ривожланишига халақит бераётган қуйидаги ҳолатлар мавжудлигини ҳам таъкидламоқ зарур:

- тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи, таъминот идораларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш юзасидан тузилган контрактация шартномаларини ўз вақтида ижро этмаслиги ҳоллари кузатилмоқда;

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2002. 11 апрел.

- Айрим ҳолларда раҳбарларнинг айби билан тадбиркорлар режадан ташқари етиштирилган ҳосилга эғалик қила олмадилар;
- Фермерларда моддий-техник база етишмаяпти;
- Банкларнинг фермерларга пул маблағлари ва кредитлар беришда ва улардан эркин фойдаланишда муаммолар мавжуд.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Биринчидан, амалдаги қоидаларга кўра ер солиғи икки муддатга: 1-июлгача ва 1-декабргача олинади. Аммо қишлоқ хўжалиги молиявий натижалари йил охиригача бир марта шаклланади. Солиқ олишнинг биринчи муддатига қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ тўлаш имкониятига эга бўлмайдилар. Солиқ органлари эса солиқ тўланмаган ҳар бир кун учун устама жарима солишади ва шу тарзда солиқнинг асосий суммаси тобора ошиб боради. Шунинг учун солиқ қонунчилигига бироз ўзгариш киритиб, ҳар йилнинг якуни бўйича ягона тўлов муддати жорий қилиниши зарур. Иккинчидан, қишлоқ туманлари марказларида жойлашган машина, трактор парклари амалда ўзларини монополистларча тутиб, баъзида сифатсиз хизматлари эвазига жуда юқори тўлов шартларини қўйиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини анча ноқулай аҳволга солиб қўйди. Шунинг учун хусусий муқобил хизмат турларини барпо этиш йўли билан агросервис тармоғида рақобатчилик муҳитини шакллантириш лозим. Учинчидан, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларнинг фикрига кўра қатъий банк тизими бўйича ўтказилаётган молиявий ўзаро ҳисоб-китоблар тизими хўжасизликка йўл қўйилишига ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойда олишга қизиқишининг сусайишига сабаб бўлди<sup>1</sup>.

Натижада бу соҳадаги фойда билан ишловчи корхоналар ҳам зарар билан ишловчи корхоналар ҳам ўз маблағларидан эркин фойдаланмаганлиги қайд этилди. Шунинг учун молиявий бақувват қишлоқ хўжалиги корхоналари олдида кўнгалданг турган бундай тўсқинликка барҳам бериш ва улар ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш чегаралари кўриб чиқилди; Тўртинчидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, сотиш, қайта ишлаш мақсадида юкларни етказиб бериш ва олиб кетиш нуқталари ташкил этилди. Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида суғориш ишлари такомиллаштирилиб, замонавий жаҳон андозаларига мос илғор технологиялар жорий этилди. Ўзбекистон шароитида ўсимликларни ёмғирлатиб суғориш ишлари усулининг афзаллик томонлари кенг тарғиб қилиниб, томчилатиб суғориш технологияси кенгайтирилди, моддий техника базаси, таъмир ва сервис хизмати кучайтирилди. Ёмғирлатиб суғорувчи аппаратларни ишлаб чиқариш ва унга сервис хизмати кўрсатиш ташкил этилди. Ўзбекистонда кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, кичик ва ўрта фермер хўжаликлари оммавий равишда қулай машиналар билан таъминланди.<sup>2</sup> Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигида 2016-2017 йилларда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экилиб, пахтанинг «Юлдуз», «Бухоро-6» каби навларидан 28 центнергача юқори ҳосил олишга эришилди. Республикамизда Сурхондарё деҳқончилик мактаби деган янги фахрли ном вужудга келди. Жарқўрғон, Термиз, Музрабод туманларида жуда яхши ўсадиган қанд лавлаги экиш ва ундан ҳамкорликда шакар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиб ишга туширилди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сурхондарё вилояти иқтисодийётида муҳим соҳа бўлган қишлоқ хўжалиги ўтиш даврининг дастлаб-

---

<sup>1</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 9-баённома, 1-ҳужжат, 2003 йил, сентябрь, 43-бет

<sup>2</sup> Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 5-ҳужжат, 2005 йил, декабрь, 31-бет

ки босқичларида муҳим натижаларга эришди. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, янги имкониятларга эга бўлиб, деҳқончилик маданияти анча ривожланди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири шу бўлдики, деҳқонлар ерга нисбатан мустақил бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотини бозорга эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлди.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилган аграр соҳадаги ислохотлар, дастлабки йилларда қишлоқ хўжалик соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишга доир маълумотлар, фермер хўжаликларининг шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар, унинг ўзига хос хусусиятлари жанубий вилоятлар мисолида илмий изоҳлаб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В первые годы реформы в аграрном секторе Узбекистана осуществлены статьи в сельскохозяйственном секторе на устранение существующих недостатков, исходя из опыта развитых стран мира используют данные о хозяйстве, формирование процесс, связанный с свои специфические особенности на юге региона через многие комментарии на примере науки.

#### SUMMARY

This article analyzes the agrarian reforms in Uzbekistan, the use of experience of developed countries in overcoming the existing shortcomings in agricultural sector in the early years, processes related to the formation of farming enterprises, and its specific features in the case of southern provinces.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т., "Ўзбекистон". 2017 йил. 107 бет.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т., "Ўзбекистон", 2017 йил. 491 бет
3. И.А.Каримов. «Деҳқончилик тараққиёти - фаровонлик манбаи» -Т.: «Ўзбекистон». 1994. 3-б.
4. Сурхон тонги, 2000 йил, 24 март, 1 бет. «Халқ сўзи» газетаси, 2002. 11 апрел.
5. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 11-ҳужжат, 2003 йил, июн, 28-бет.
6. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 11-баённома, 8-ҳужжат, 2003 йил, ноябрь, 34-бет.

<i>Ботирова Ҳалима Эшмаматовна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси.</i>	Замонавий аграр тизимнинг иқтисодийётдаги юксалиши омиллари тарихидан	.....71
<i>Умаров Икромжон Ибрагимович. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси.</i>	Тарихий демографик жараёнларда Термиз шаҳрининг ўрни	.....75
<i>Хидиров Холмамат Джўраевич. Термиз давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси илмий тадқиқотчиси.</i>	Транспорт коммуникацияси ривожидда Термизнинг стратегик ўрни	.....81
<i>Ҳасанова Нодира Ибрагимовна. Термиз давлат университети Денов филиали тарих фани ўқитувчиси.</i>	Совет ҳукуматининг миллий-маънавий камситиш сиёсати ва унга қарши кураш (Сурхон воҳаси мисолида)	.....86
<i>Ёқубова Диларам Таджиевна. Термиз давлат университетининг Денов филиали тарих фани ўқитувчиси.</i>	Сурхон воҳасида пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши	.....90
<i>Турсунов Анвар Сайпуллаевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси.</i>	Ҳаракатлар стратегиясининг шаҳарсозлик маданиятини юксалтиришдаги ўрни	.....95
<i>Тўхтаев Абдугани Қиличович. Термиз давлат университети Ўзбекистон тарихи ва манбаи унослик кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди. Ҳаким Бўронов Термиз давлат университети, Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси.</i>	Термиз давлат университети Тарих факультети 65 ёшда	.....98
<i>Ахмедова Гулчеҳра Ўскиновна. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси докторанти.</i>	Халқ бахшилари ижодида қуйланган болалар ҳаракати билан боғлиқ халқ ўйинлари	.....102
<i>Ахмедов Сардор Сайриддин ўғли. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси магистранти.</i>	Сурхон воҳасининг тоғли тожик қишлоқларида болаларга хос халқ ўйинларининг этнографик талқини	.....106